



MILLIY TIKLANISH

60 (432) ● 2016 йил 28 декабрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси
 ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

"Тарих — улуғ мурабий" лойиҳаси доирасидаги тадбирлар партия маҳаллий ташкилотларида мунтазам давом этмоқда

Когон шаҳридаги Алишер Навоий МФЙ қошида ташкил этилган БПТнинг партия гуруҳига киритган 20 га яқин таклифи ижобий ҳал этилди

Наманганда ЎзМТДП вилоят кенгаши ташаббуси билан маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун ўқув-семинар ташкил этилди

ЎзМТДП дастури — амалда

Ўзбек кураши — жасорат ва ҳалоллик тимсоли

Истиқлол йилларида миллий анъана ва қадр-иятларимиз қайта тикланди, кенг ривож топиб, жамиятимиз ҳаётидан муқим ўрин эгалламоқда. Миллий спорт турлари, халқ ўйинлари нафақат юртимиз, балки жаҳон миқёсида оммалашиб бораётир.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси ва Белбоғли кураш федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган "Ўзбек кураши — жасорат ва ҳалоллик тимсоли" мавзусидаги давра суҳбатида ҳам айна жиҳатлар алоҳида таъкидланди. Тадбирда ЎзМТДП Марказий кенгаши ва фракция аъзолари, Белбоғли кураш федерацияси вакиллари, партия "Ёшлар қаноти" етакчилари, мурабий ва спортчилар, журналистлар иштирок этди.

Таъкидлаш жоиз, халқимизнинг миллий кураш турларидан бири — белбоғли кураш тарихи узоқ асрларга бориб тақалади. У ўзида миллий урф-одат ва анъаналаримизнинг барча шакл-шамойилини мужассам этган. Ҳатто қадимий Месопотамия ҳудудидан топилган бундан беш минг йил илгариги даврга мансуб ҳайкалчада ҳам белбоғли кураш усулида мусобақалашаётган полвонлар тасвирланган.

> 3-бет.

Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллиги олдида



Дилларга кўчган шеърят

Халқимиз ўз асл фарзандларини ҳеч қачон унутмайди. Улар орасида, айниқса, адабиёт ва санъат намоёндалари юксак ўрин тутади. Шубоис давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 7 декабрдаги "Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарорини барча адабиёт ихлосмандлари, шоир ва ёзувчилар, кенг жамоатчилик катта мамулият билан кутиб олди. Бу ўзбек адабиёти ва маънавиятига, ижод аҳлига кўрсатилган юксак эътибор ва эҳтиромнинг яна бир ёрқин намунаси.

Қарорда таъкидланганидек, ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига унутилмас ҳисса қўшган атоқли шоир ва

адиб, таниқли давлат ва жамоат арбоби, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов ижодий мероси ёш авлодни она Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис шоир таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш ва хотирасини абадийлаштириш мақсадида унинг китобларини қайта нашр қилиш, ҳаёти ва ижодига бағишланган сахна асарлари ва ҳужжатли филмлар яратиш, турли жамоат ташкилотлари, олий ва ўрта махсус, касб-хунар, умумий ўрта таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда таниқли адиб ва олимлар, санъаткорлар иштирокида учрашув, адабий кечалар ташкил этиш назарда тутилган.

> 5-бет.

Ушбу сонда:

Истиқлолимиз, истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи

28 декабрь — Мустақиллик ва эзгулик монументи очилган кун



> 2-бет.

Сўзи ҳам, умри ҳам ибрат



> 5-бет.

Ҳайдовчисиз метро тармоғи

Хитойнинг Сянган шаҳрида "Наньгандао" деб номланган ҳайдовчисиз метро тармоғи очилди. Бу Хитойдаги ҳайдовчи кабинаси бўлмаган ва тўлиқ автоматик бошқариш тизимига эга илк поезддир



> 8-бет.

Обуна — 2017



Нарғиза АБДУЛЛАЕВА, актриса, "Шухрат" медали соҳиби:

— Миллий қадриятларимизни эъзозлаш, глобаллашув даврида халқимиз, айниқса, ёшларни турли мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилишда санъатнинг ўрни беқиёс. Бу жараёнда фаоллик кўрсатиш, ёшлар тарбиясига муносиб ҳисса қўшиш, замонамиз қаҳрамонлари образини яратиш биз, санъаткорлар зиммасига катта масъулият юклайди.

Мен "Миллий тикланиш"ни танладим. Сиз-чи?

Депутат минбари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришишга бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида илгари сурилган устувор вазифалар, айниқса, биз, депутатлар зиммасига катта масъулият юклади. Хусусан, 2017 йилнинг мамлакатимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб номлангани халқ вакили сифатида ҳар бир депутатни ўз сайловчисига билан ҳамнафас, ҳамқадам бўлиш, оғирини енгиш қилиш, мулоқот ва муносабатлар узвийлигини таъминлашга хизмат қилади. Шунингдек, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтишда ўзига хос йўл ва янги қадам бўлади, десак янгилимаймиз.

Янгича ёндашув ва тезкор ижро

амалий натижаларга замин бўлади

Истиқлол йилларида халқнинг ҳаётга муносабати ўзгаргани, дунёқараши, онгу тафаккури ўсганлиги ўз фаолиятимизга танқидий қарашимиз, амалий саъй-ҳаракатларимизни тубдан кучайтириб, давр талабига мослаштиришимиз зарурлигини кўрсатмоқда. Қонун ижодкорлиги фаолиятимизда қонунларнинг ҳаётийлиги, халқчиллиги ҳамда амалда қўлланилишида шижоатли бўлиш, уларнинг мазмун-моҳиятини ижро ҳокимияти ва одамларга етказишда янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш олдимизда турган устувор вазифалардандир.

> 2-бет.

Ташаббус натижа берди

Аҳоли репродуктив саломатлигини таъминлаш —

миллат генофонди билан боғлиқ муҳим масала

Мамлакатимизда репродуктив саломатлиқни мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши ва парвариши учун зарур шарт-шароитларни яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки аҳоли репродуктив саломатлиги — мамлакатнинг репродуктив салоҳияти, миллат генофонди тақдирини белгиловчи муҳим кўрсаткич. Миллат генофонди саломатлиги даражаси миллат тақдирини, давлатнинг умумий қудратини, нуфузини ва салоҳиятига бевосита таъсир кўрсатувчи омидир.

Шу боис Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар жойларда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, сифатли тиббий хизматни йўлга қўйиш, репродуктив саломатлиқни мустаҳкамлаш борасида муайян ташаббусларни илгари сурмоқда. Яқинда халқ депутатлари Амударё туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи ташаббуси билан Кенгаш сессиясида туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Марям Аҳмедованинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"ги қарорининг ижроси юзасидан ҳисоботи эшитилди.

> 4-бет.

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



«Milliy tiklanish» газетасини
www.milliytiklanish.uz
 сайтида ҳам ўқинг!

**"ШИМОЛГАЗТАЪМИНОТ" УНИТАР КОРХОНАСИ
ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ШАҲАР ВА
ТУМАНГАЗ ФИЛИАЛЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ ВА
УРГАНЧ ШАҲАРГАЗ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

Барча юртдошларимизни тобора
яқинлашиб келаётган –

ЯҚИҲИ ЙИЛ

билан қутлайди.

2017 йил ҳар биримизнинг хонадонимизга
қут-барака, тўқин-сочинлик олиб келсин,
юртимиз тинч, Ватанимиз янада равақ топаверсин!

**Халқ билан мулоқот ва
инсон манфаатлари йили
барчага муборак бўлсин!**



ЖОНДОР ТУМАНИДАГИ “ЖОНДОР ЧАШМАСИ” МЧЖ ЖАМОАСИ



Кўпмиллатли мустақил юртимиз фуқароларини

Янги 2017 йил

билан самимий муборакбод этади.

Янги йил барчага қувонч, шодлик,
хонадонларингизга файзу барака
олиб келсин!

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!



Қорақалпоғистон Республикаси Онкология диспансери жамоаси

*Мамлакатимизда бир оиладек яшаб,
меҳнат қилаётган юртимиз аҳлини*

Янги 2017 йил

билан табриклайди.

*Яратувчанлик ва бунёдкорлик ишларингизга
улкан муваффақият, хонадонларингизга
қут-барака тилайди.*

БАЙРАМИНГИЗ БИЛАН!

РЕКЛАМА ЎРНИДА

УРГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ПРОФЕССОР ВА ўҚИТУВЧИЛАРИ ЖАМОАСИ

Юртдошларимизни

2017 йил – Халқ билан мулоқот ва

инсон манфаатлари йили

билан самимий табриклайди.

*Қалбингиздаги барча эзгу орзу-ниятлар
рўёбга чиқсин. Юртимиз обод, ҳаётимиз
фаровон бўлсин!*



ЯНГИ ЙИЛ МУБОРАК!

